



**“SHARQ-U G·ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**
mayzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022 yil, 22-iyun



**Articles of international scientific-theoretical
conference on
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”
June 22, 2022**

TOSHKENT - 2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**"SHARQ-U G'ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR"**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022-yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVOI TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL
LITERARY STUDIES

Articles of international scientific-theoretical conference on
**"EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE"**

June 22, 2022

TOSHKENT – 2022

<i>Dildora Aliqulova.</i> "O'TKAN KUNLAR" ROMANIDA SHARQONA SYUJET	418
<i>Gulmira Absalamova.</i> SHARQ VA G'ARB MUTAFAKKIRLARI IJODIDA TARBIYA MASALASI.....	423
<i>Nodir Rahmatullayev.</i> NAZAR ESHONQULNING "TAQIQ MEVASI" ROMANIDAGI G'ARB MIFOLOGIZMLARI TAHLILI.....	434
<i>Elmira Djurakulova.</i> SHOYIM BO'TAEVNING "SHOX" ROMANIDA POETIK MAHORAT MASALASI.....	442
<i>O'g'iloy Mavlonova.</i> KINOYADA ZOOSEMIZMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI.....	450
<i>Bekzod Qarshiyev.</i> "LOLAZOR" ROMANIDA MAG'RIB NASRI UNSURLARI.....	454
<i>Nodira Mansurova.</i> MAGIK REALIZM HAQIDA	458
<i>Nasiba Norova.</i> SHEKSPIRNING "MAKBET" TRAGEDIYAYSIDAGI MIFOLOGIK OBRAZLAR.....	463
<i>Oybarchin Abdulhakimova.</i> DANTE VA ABDULLA ORIF	469
<i>Elbek Avezov.</i> O. GENRI HIKOYALARI.....	476
<i>Lolaxon Qo'ziboyeva.</i> DRAMATIK ASARLAR TARJIMASINING MATBUOT VARIANTI	480

4-SHO'BA, SHARQ VA G'ARB ADABIYOTI QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KONTEKSTIDA

<i>Bahodir Xoliqov.</i> SHARQ VA G'ARB DETEKTIVI: PYUZO, TOHIR MALIK.....	489
<i>Ilihom Aslonov.</i> "BOBURNOMA"DA MUALLIF OBRAZI	497
<i>Kandilat Yusupova.</i> "UMMONDAGI OROLLAR" ROMANIDA BOSH OBRAZ PSIXOLOGIYASINING QIYOSIY TAHLILI.....	505
<i>Shahnoza Rahmonova.</i> "SADDI ISKANDARIY" DOSTONIDA RITMIK URG'UNING O'RNI	516
<i>Nilufar Dilmurodova.</i> ASAD DILMUROD TARIXIY NASRIDA SHARQ MUTAFAKKIRLARI OBRAZI	521
<i>Mahmadiyor Asadov.</i> "YOLG'IZLIK MOTIVI"NING POETIK TALQINI....	530
<i>Azamat Xayrullayev.</i> SHARQ HIKOYATLARIDA "YOLG'ON" MOTIVI ...	538
<i>Mahfuzaxon Xomidova.</i> NAVOIYDA INTERTEKSTUALLIK VA UNING MANBALARI	542

*Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА,
таянч докторант
(ТошҶЎТАУ, Ўзбекистон)*

ДАНТЕ ВА АБДУЛЛА ОРИФ

Аннотация. Мақолада Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури такомиллида жаҳон адабиётининг ўрни масаласи тадқиқ қилинган. Данте Алигъерининг “Илохий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” асарларининг қиёсий таҳдиди асосида назарий хуносалар чиқарилган. Асарлардаги қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услугуб нуқтаи назаридан бу икки асар бир-биридан кескин фарқ қилиши далилланган.

Annotation. The article examines the role of world literature in the development of Abdulla Aripov's literary and aesthetic thinking. Theoretical conclusions are drawn on the basis of a comparative analysis of Dante Alighieri's “Ilohiy komediya” and Abdulla Aripov's “Jannatga yo'l”. These two works have proved to be very different from each other in terms of the nature of the symbols and emblems used in the works, the poetic interpretation, the artistic intent of the authors and the creative style.

Таянч сўзлар: поэтик тасвир, шеър, адабий-эстетик ҳодиса, рамз, ижодий услугуб, бадиий ният, образ, бадиият, поэтик ифода, илмий таҳдил.

Keywords: poetic image, poem, literary-aesthetic phenomenon, symbol, creative style, artistic intention, image, art, poetic expression, scientific analysis.

Дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, баъзан бошқа-бошқа миллатларга мансуб буюк ижодкорлар бир-биридан бехабар ҳолда ўзаро ўхшаш мавзуларда асарлар яратади. Энг қизиги, бунда мавзунинг ўзаро яқин экани ҳар икки асарнинг оригиналлигига заррача бўлсин халақит бера олмайди. Ҳеч бир жиҳатдан улар бир-бирини тақорорламайди. Бунинг сабаблари, бизнингча, қуидагилардир: 1) ҳар бир ижодкор услубининг ўзига хослиги; 2) мавзуга ёндашув мезонларининг фарқланиши; 3) поэтик тасвирдаги индивидуаллик. Ушбу адабий-эстетик ҳодисанинг яна бошқа тури – бир ижодкорнинг иккинчисидан таъсирланиши натижасида ҳам мутлақ мукаммал, оригинал асарлар дунёга келиши мумкин. Бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадиий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамиятта эга.

Оврўпо Уйғониш адабиётининг асосчиси Данте Алигъерининг “Илохий комедия” ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатта йўл” драматик достонлари худди шундай асарлар сирасига киради. Аммо бу икки асар аро умумий ва хусусий жиҳатларнинг майдонга келиш жараёнлари тамомила ўзгача қонуниятлар маҳсулини, мақолада имкон кадар шу масалага диккат қаратишга уринамиз.

Бу асарлар муаллифлари инсон руҳиятини қанчалик теран очиб бергани мутахассисларга маълум. Улкан адибларнинг, улуғ шоирларнинг, катта истеъодод эгалари нигоҳининг нақадар ўткирлиги жамиятдаги ҳодисаларни бадиий асарга кўчирганда улар замиридаги яширин ҳакиқатларни қанчалик нозик хис этиши, бу воқеаларни синчиклаб таҳлил қила билиши, улардан бадиий умумлашмалар чиқара олиши билан ҳам белгиланади. Бу икки асарни ўзаро киёсий ўрганиш ана шу жиҳатдан ҳам зарур.

“Илохий комедия” Данте Алигъери ижод этган асарларнинг бадиий ва гоявий жиҳатдан энг юксаги ҳисобланади. Шоир бу асарини дастлаб “Комедия” деб атаган. Асар таржимони Абдулла Ориповнинг ёзишича: “...бу асар воқеалари кўринишдан “нариги дунё”да кечса ҳам, унинг марказида ҳакиқат ахтарган жафокаш инсон, иқболи нигун дохий санъаткор образи трибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни “Дантенома” деб ҳам аташади. “Илохий комедия” ёзилган даврларда, комедия ҳозиргидек кулги аралаш саҳна асарини эмас, балки умуман бадиий шаклни, хусусан, йирик шеърий лавҳаларни ҳам англатган. Кейинги асрлардагина Бокаччо уни қайта нашрга тайёрлаётуб, “Илохий комедия” деб атаган”. Бундай номланишига сабаб, асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги; инсонни хаёт ва ўлим, яъни охират ҳакида фикр юритишга ундашидир. Асар “Дўзах”, “Аросат”, ва “Жаннат” деб номланган уч кисмдан иборат. Ҳар бир кисм 33 та кўшиқдан ташкил топган. Биринчи кисмдаги дебоча билан умумий 100 кўшиқдан иборат. Унда муаллифнинг устози Вергилий кўмагида охиратга қилган саёҳати тасвирланади. Дантенинг бундай асар яратишига сабаб муҳаббати бўлмиш Беатриченинг барвакт ўлимидир. Бу йўқотишдан у қаттиқ таъсирланади, шундан сўнг ҳаёт ва ўлим тўғрисида фалсафий фикр юрита бошлади ва “Илохий комедия” асарини дунёга келтиради.

“Илохий комедия”даги сингари “Жаннатта йўл” достонида ҳам воқеа-ҳодисалар охиратда содир бўлади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан сухбатда “Илохий комедия” қачон таржима

қилингани ва “Жаннатга йўл”нинг ёзиши санаси билан қизиққандик. Устоз шоир бу ижодий жараён деярли бир вактда содир бўлганини айтган. “Жаннатга йўл”ни ёзишда “Илохий комедия”дан таъсиранганимисиз?” – деган саволга эса, ижодкор: “Илохий комедия” шундай буюк асарки, ундан таъсиранмаслик мумкин эмас” – деб жавоб берганди. Шунинг баробарида, муаллиф “Жаннатга йўл”ни ёзишда муборак бир ҳадисдан таъсирангани ҳақида сўзлаб берган. Бу ҳадис мазмунига кўра, охиратдаги хисоб-китоб вактида инсонга ота-онаси ҳам, бошқа кариндошлари ҳам ёрдам бера олмаслиги, фақат ҳақиқий дўстгина унинг оғирини енгил қилиши мумкинлиги зикр этилган экан. Бундан “Жаннатга йўл”нинг асосий гояси ана шу муборак ҳадис таъсирида туғилгани маълум бўлади.

“Илохий комедия” Европа адабиётига хос ҳар бир банди уч мисралик анчайин мураккаб шеърий шакл – терцинада ижод қилинган. Абдулла Орипов эътирофича, “...терцинада уч қатор баравар келаверади. Лекин уч қатор баравар бўлгани билан қофиялар занжир бўлиб, бир-бири билан боғланиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аruz вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терцинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин”. Қўйидаги фикр эса, таржимоннинг қанчалик заҳматли меҳнатни амалга оширганини ҳис этиш имконини беради: “Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан қофияси бузилса, шу иморат тагтуги билан нураб кетади. Занжир узилади! Мен бу билан катта бир ишни бажардим, деб айтишни хоҳламайман. Лекин воқеликка объектив баҳо беришим керак”.

Бадиият – бу, биринчи навбатда, бекиёс рамз ва тимсоллар дунёси, охорли образлар олами демакдир. Ҳар икки асар рамз ва тимсолларга бой. Энг эътиборли жихати, улар бу жихатдан ҳам бир-бирини зинхор такрорламайди.

Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсан, бир ўрмонга кетибман кириб.

“Илохий комедия” ана шу мисралар билан бошланади. Бу асарда бош образ Дантенинг ўзи. Унинг ўрмонда адашиб қолишида Италиянинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига ишора бор. Умуман олганда, асарда ўрмон – бу биз яшаб турган хаёт, яъни фоний дунё рамзи ўлароқ намоён бўлади. Данте ҳаётда шу қадар адашдимки, бундан кўра ажал ҳам яхши эди дейди:

Дахшатларга тұла үрмон эди у,
Эсдан чиқаролмай неча йил толдим
Хатто ажал ундан туюлгай әзгу.

Баланд төгдан тушиб келар экан, шоир олдидан қоплон, арслон ва қашқир чиқиб, йүлини түсади. Бу уч ҳайвон – асарда нафс рамзи сифатида келган. Қоплон – сохтакорлик ва сотқинлик тимсоли бўлса, арслон – мағрурлик ва зўравонлик; қашқир эса, очкўзлик ва такаббурлик рамзларидир.

Зулматда қолган Дантеңинг қаршисидан устози Вергилий чиқади ва уни бу коронгиликдан олиб чиқажагини, Дўзах ва Аросатдан олиб ўтажагини, Жаннатта эса Беатриче орқали етишишини айтади.

Асарда Вергилий – йўлбошли, пир тимсоли. У ўз шогирдини Жаннатта эришиши учун зарур бўлган босқичлардан олиб ўтишини таъкидлайди. Беатриче эса – илохий ишқ рамзи. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнун Лайлиниг тимсолида Аллоҳнинг васлига интилади, бу йўлда турли босқичларни босиб ўтади. Шундан келиб чиқиб, Дантеңинг мухаббатини ҳам икки томонлама изоҳлаш мумкин. Биринчиси, мажозий ишқ бўлиб, Данте ҳаётда чиндан ҳам Беатричени севади ва унинг ўлимидан қаттиқ изтиробга тушади. Иккинчиси, илохий ишқ бўлиб, у Беатриче тимсолида Аллоҳнинг васлинни мушоҳада этади. Асадаги доиралар рамзи эса, бизнингча, инсонларнинг дунё ҳаётида қилган ёмонликларига кўра жойлаштирилишини англатади. Яъни доиралар – бу даражалар кетма-кетлигидир.

“Жаннатга йўл” достонидаги рамзлар ва тимсоллар, табииики, ўзига хос; “Илохий комедия”дагига ўхшамайди. Асадаги Тарозибон – инсонларни әзгуликка чорлаш тимсоли. Диний-маърифий манбаларда охиратда гуноҳу савоблар мезонга, яъни тарозига солиниши зикр этилади, бирок айнан тарозибон ҳакида сўз юритилмайди. Бадий асар бўлгани учун ҳам “Жаннатга йўл”да бундай тимсолнинг қўлланиши ўринли. Асадаги тарозибон ҳатто кимнинг жойи жаннатда, қай бириники дўзахда, яна қайсиси аросатда эканини ҳам эълон қиласди. Жумладан, Ўзга одам Тарозибонга титраб яқинлашар экан, унга нисбатан мана бундай хукм янграйди:

Бу ёққа тур. Исминг нима? Хожати ҳам йўқ.
Тамга босиб қўйган экан сенга Оллоҳим
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўқ.

Ўзга одам – умрини бесамар ўтказаётган, на ўзига, на жамиятта наф етказадиган кимсалар тимсоли. Табиийки, унинг килмиши одамийликка ёт. Асарда унга исм қўйилмагани сабаби ҳам шунда. Ўзга одам – ана шу номнинг ўзиёқ бу тоифадагилар устидан чиқарилган поэтик хулоса.

Хур киз – вафосизлик тимсоли. У инсон нима учун яратилганини, аёл зотининг зиммасида қандай масъулият борлигини англамай ўтган. Она томонидан айтилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлайди:

Ха, Хур қизнинг у дунёси қорадир бутун,
У қисматта бўй бермаган, қисмат бунга ёв
Бегонадан хуфя совға олгани учун
Бўғиб кетган буни бир кун бўлажак куёв.

“Бегонадан хуфя совға олиш” – унаштирилган қизнинг бундай килмиши Шарқона удумга хилоф. Шунинг учун ҳам асарнинг бу қаҳрамонига мана бундай баҳо берилади: “у дунёси қора”.

“Илоҳий комедия” ва “Жаннатга йўл” асарларидаги рамз ва тимсоллар ўзига хос. Уларда ўхшаш жиҳатлар бўлмаса-да, ҳар бири ўзига хос чукур маъно-мазмунга эга. Ҳар икки асардаги бу рамз ва тимсоллар юксак бадииятни таъминлашга хизмат қилган.

“Илоҳий комедия” ва “Жаннатга йўл” асарларида айrim муштарак жиҳатлар ҳам бор. Авваламбор, ҳар иккаласида воқеа-ҳодисалар охиратда юз беради. Данте ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, буюк шахсларнинг Дўзах, Аросат ёки Жаннатдаги ҳаётини тасвиirlайди. У христианлик мезонларига таянган холда Шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино, Ибн Рушд каби буюк сиймолар ва яна Цезар, Афлотун, Сукрот, Демокрит, Гераклит, Гиппократ каби улуг шахсларни Дўзахнинг биринчи доирасида яъни христиан динига мансуб бўлмаган шахслар жойлаштириладиган доирада тасвиirlайди.

Абдулла Орипов эса Ўзга одамни Аросатда, йигитни Дўзахда, ота-онасини Жаннатда тасвиirlайди. Бунда у мезон сифатида Куръони карим ва ҳадиси шарифга таянади. Икки ижодкор ёндашувидаги бу тафовут, биринчи навбатда, уларнинг дунёқараши, эътиқоди билан боғлиқ. Иккинчидан, Шарқ ва Ғарб менталитети ҳам бунда ўз сўзини айтган, дейиш мумкин.

Яна бир муштарак жиҳати, иккала асарнинг ҳам бош гояси инсон ва унинг моҳиятини англаш экани билан белгиланади. Улардан келиб чиқадиган хулоса: одам болалари умрини бехуда ишларга сарфламаслиги, дунё ва охиратини обод қилиш ҳакида қайғуриши

зарур. “Жаннатга йўл” достонида ушбу муаммо талқини тамомила ўзига хос. Жумладан, асарда тасвирланишича, бир мўйсафид чол етти марта ҳажга борган, бор-йўғи бир мартагина отасини сенсирагани учун унинг аслида савоб саналган бу амали кабул бўлмаган. Шоир бу орқали инсон ҳар қанча савоб ишларни қилмасин, ота-онасини хурмат килиб, уларнинг розилигини топмаса, унинг амали бехуда кетиши ҳақидаги машхур ҳадиси шариф мазмунига ишора қиласи. Асадаги Ўзга одам қисмати аянчли: у на гуноҳ ва на савобга қўл урган. Аросатга тушиши сабаби шунда. Зеро, одам болалари ўзга жонзотлардан ақлу тафаккури билан ажралиб туради. Шу боис у азиз умрини имкон даражасида эзгу амалларга сарфламоги керак – бу образ замирига сингдирилган маъно, муаллифнинг бадиий нияти – ана шу.

Жаннатга киришига икки пайса етмаган Йигит образида ҳам ибратланиш зарур бўлган жиҳатлар талайгина. Жумладан, у бировга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, тамагир, товламачи, текинхўр инсонларни кўра билиб туриб, уларни йўлдан қайтармаган. Бундай лоқайдлик, табиийки, жазосиз қолмаган. Инсон – яралмишлар афзали. Шу боис у умрнинг ҳар бир лаҳзасини эзгуликка сафарбар этиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, уни икки дунёда азизу мукаррам этади – Йигит қисматидан муаллиф чиқарган поэтик холоса ана шундай.

Бир қария ётар эди менинг ёнимда,
Ўғли унинг тепасига қўйди улкан тош.
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,
Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фош:
Қабр тошда ўзин исми ёзилмай қолмиш,
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиш,
Йўқ бу савоб аталмагай, манманлик, холос.

Ота қабрига тош қўйгач, сангтарошни олиб келиб, ўз исмини ўйиб ёзган ўғил хусусида ёзар экан, муаллиф “унинг қонига иблис киргач, у таъмасини фош эттани; бу савоб эмас, манманлик” экани хусусидаги бадиий ҳукмни чиқаради. Унинг бу тошни кўрган инсонлар фалончи азамат қўйдирган экан дейишини исташи, отасини эмас, ўз обрўсини ўйлаши ҳақидаги мисралар ўқувчини чукур мушоҳада юритишга чорлайди. Шоир Ота номидан, кўряпсанми, инсон зоти манманлиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам фойдаланади, деган бадиий умумлашма чиқаради.

Қабристондан ўтиб қолган бирорта кимса
Хашаматли мармар тошни кўриб қолган он,
О, бу тошни кўйган фалон азамат деса,
Ота эмас, ўз обрўсин билган у инсон.

Юқоридаги муроҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия” ва Абдулла Ориповнинг “Жанинатга йўл” асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни англаш йўлининг ўзига хос бадиий талқини ўлароқ ижод этилган. Мавзу бир қадар якин бўлишига қарамай, қўлланган рамз ва тимсоллар моҳияти, поэтик талқин, муаллифлар бадиий нияти ва ижодий услуб нуқтаи назаридан бу икки асар бир-биридан кескин фарқ килади. Бу икки буюк бадиият обидасини ҳар жиҳатдан мукаммал қиёсий ўрганиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифалариданdir.

Адабиётлар

1. Давлатова А. Абдулла Орипов шеъриятида поэтик тафаккур тадрижи. Филол. фан. док-ри... дисс. – Т., 2022;
2. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т., Sharq, 2011.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. – Т., Адабиёт ва санъат, 2001.
4. Орипов А. Адолат кўзгуси. – Т., Адолат, 2003.
5. Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. – Т., Ёш гвардия нашриёти, 1988.
6. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Т. Янги аср авлоди, 2009.
7. Саидов У. Данте-юрист. – Т. Адолат, 2011.